

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

20 ____ йил « ____ »

-рақам билан

М.Ў.

“O`ZBEKISTON” DOSOAJ

акциядорларнинг 2014 йил 21 августдаги
навбатдан танқари умумий йиғилиши қарори

билан «ТАСДИҚЛАНГАН»

Йиғилиш раиси Ф.Б. Ташбеков

М.Ў.



“O`ZBEKISTON” dam olish-sog'lomlashtirish
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ

2014 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: – “O`ZBEKISTON” dam olish-sog`lomlashtirish aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади)

Рус тилида: – Курортно-оздоровительное акционерное общество “O`ZBEKISTON”.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: – «O`ZBEKISTON» DOSAJ

Рус тилида: – КО АО “ O`ZBEKISTON ”

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Содик Азимов кўчаси 65- уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: uzbekiston.ao@mail.ru

1.6. “O`ZBEKISTON” акциядорлик жамияти (Қуйида “Жамият” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президенти қошида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги 16 октябр 477-сон қарори асосида ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг 1993 йил 28 май 265-К-по-сонли “Ўзбекистон Республикаси санаторийлари негизида “Ўзбекистон” акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисида”ги буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари базасида акциядорлик жамияти шаклида тузилган.

1.7. Жамият юридик шахс, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка, ушбу Уставга асосан амалга оширади.

1.8. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Жамият қуйидаги филиалларига эга:

«Ўзбекистон» санаторияси, юридик манзил: 357700, Россия Федерацияси, Ставрополь ўлкаси, Кисловодск шаҳри, Мир проспекти, 21 уй;

«Ўзбекистон» санаторияси, юридик манзил: 28600, Россия Федерацияси, Қрим Республикаси, Ялта шаҳри, Бахчисарай шоссеси, 1 уй;

1.9. Филиаллар ушбу Устав ва жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал низоми асосида иш юритади.

1.10. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият ижроия органи томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

1.11. Жамиятнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба ва қарам жамиятлари бўлиши мумкин. Жамият ва шўъба ҳамда қарам жамиятлар ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунлар ва мазкур Устав билан тартибга солинади. Шўъба жамиятларнинг бутун фаолияти ушбу Устав ҳамда жамиятнинг шўъба қорхоналарнинг уставларига асосан юритилади.

1.12. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий

номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга.

Жамият штампларга, номи ёзилган бланкларга ва ўзининг товар ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади куйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси ташқарисида, яқою-ягона бальнеологик ва экологик зоналарда жойлашган санаторияларини замонавий даволаш ва соғлиқни тиклаш марказларига айлантириш;

- Санаторияларда табиий усулларини йулга қуйиб, юрак-контомир, асаб ва нафас олиш системалари, ошқозон, буйрак ва жигар касалликларини даволашга муҳтож бўлган Ўзбекистон фуқароларини замонавий услублар асосида даволанишини ташкил этиш;

- Хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббий ва техник ходимлар малакасини ошириш, даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, МДХ давлатлари ва хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда санаторийлар рақобатбардошлигини ошириш;

- Кўрсатилаётган хизматлар ва туризм соҳасида чет эл давлатлари билан алоқаларни ривожлантириш;

- Акционерлар ва меҳнат жамоасининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш;

- Ўзбекистоннинг маҳаллий ҳокимият органларида, филиаллар жойлашган хорижий давлатларда филиалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

2.2. Жамиятнинг асосий фаолият турлари:

- Жамиятнинг санаторийларида хўжалик ҳисоби асосида, Ўзбекистон ва МДХ фуқораларининг касалликларини олдини олиш, даволаш ва тикланишини ташкил этиш;

- Ўзбекистон ва МДХ фуқороларига чет эл санаторияларига даволанишга путевкаларни сотиб олишга ёрдам кўрсатиш;

- Санаторийларга медицина ускуналари, дори воситалари, бошқа ускуналарни олишда ёрдам кўрсатиш;

- Филиалларга тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни ўқитишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- Қонунчиликда белгиланган тартибда кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;

- Транспорт хизматлар, шу жумладан пассажирларни ташиш, чартер рейсларини амалга ошириш;

- Ташқи иқтисодий фаолият билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шуғулланиши мумкин.

- Туристик хизматлар кўрсатиш.

Жамият мазкур уставда кўрсатилмаган қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

Лицензияни талаб қиладиган фаолият турлари тегишли лицензия (рухсатнома) олингандан сўнг амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида акс эттирилади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 18 003 881 988 сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 3378 сўм бўлган 5 329 746 дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капитални кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капитални ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 3378 сўм бўлган 11 211 903 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Жамият кўшимча чиқарилган акцияларни очик ёки ёпиқ обуна усулида жойлаштириши мумкин.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан жойлаштирилиши белгиланган тақдирда, белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Кўшимча чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилиши белгиланган тақдирда, белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржадан ташқари уюлмаган бозорда жойлаштирилади.

3.9. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.10. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капитални камайтириш

3.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган оддий эмиссиявий кимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

4.3. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

4.4. Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаши (эълон қилиниши) ҳақида қарорни қуйидаги ҳолларда қабул қилиши мумкин эмас:

Жамиятнинг бутун Устав фонди тўлиқ тўланмагунча;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.9. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органи бўлиб, ўз фаолиятини жамият Устави ва “Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида”г Низом асосида олиб боради.

7.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамият бошқарув органлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.5. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида қақрилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини қақриш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг I декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлик

беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашига лавозим бўйича давлат вакили киритилади.

8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

8.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик (яккабошчилик асосида) ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

9.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.4. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади). Бош директор билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.5. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

9.6. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.7. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.8. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

9.11. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.12. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши йиғилиши қарорларини бажаришни ташкил қилиш.
 - Жамиятда иш унумдорлигини пасайишига йўл қўймасликни таъминлаш.
 - Жамият фаолиятдан ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарур даромад олиншини таъминлаш.
 - Жамиятда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш.
 - Жамиятнинг ривожланиш Бизнес режасини ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш.
 - Жамият Кузатув кенгаши чораклик йиғилишларида Бизнес режа асосий кўрсаткичларини бажарилиши юзасидан ҳисобот бериб бориш
 - амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш.
- 9.13. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.
- 9.14. Бош директор мазкур Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

Х. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

10.3. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. Айна бир шахс айна бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.5. Жамият тафтиш комиссияси ваколатлари:

- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни жамият ваколатли органидан талаб қилишга ҳақли;

- Тафтиш комиссия иш фаолиятига дахлдор маълумотни ижро органидан талаб қилишга ҳақли;

- Тафтиш комиссияси иш фаолиятида учун шартнома асосида Жамиятда шартнома асосида ишламайдиган мутахассисни жалб этиши мумкин.

- Тафтиш комиссияси жамият бошқарув органлари йиғилишларида иштирок этиши мумкин.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

XI. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШ.

11.1 Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

11.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

11.3. Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

11.4. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этишлари шарт.

10.3. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги конунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

10.5. Жамият тафтиш комиссияси ваколатлари:

- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни жамият ваколатли органидан талаб қилишга ҳақли;

- Тафтиш комиссия иш фаолиятига дахлдор маълумотни ижро органидан талаб қилишга ҳақли;

- Тафтиш комиссияси иш фаолиятида учун шартнома асосида Жамиятда шартнома асосида ишламайдиган мутахассисни жалб этиши мумкин.

- Тафтиш комиссияси жамият бошқарув органлари йиғилишларида иштирок этиши мумкин.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

XI. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШ.

11.1 Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

11.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

11.3. Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

11.4. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан элик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул

қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

11.5. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

11.6. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

11.7. Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

XII. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

12.1. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

12.2. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

12.3. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

12.4. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.5. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

12.6. Тугатиш комиссияси жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

12.7. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки қонунда белгиланган тартибда акциядорлар ўртасида тақсимланади.

12.8. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

12.9. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугатилганидан кейин Тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.10. Агар жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси

жамиятнинг мол-мулкани суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

12.11. Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида оралик тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

12.12. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин Тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.13. Тугатиш комиссияси ушбу бўлимда назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

12.14. Жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки акциядорлар ўртасида қонунда белгиланган тартибда тақсимланади.

12.15. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши бирлаштириш, қўшиш, бўлиш, ажратиш шаклларида таъсисчилар ёки шунга ваколатланган органлар қарори билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу устав билан тартибга солинмаган Жамият фаолиятига таалукли масалалар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Тафтиш комиссияси тўғрисида” ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомлар билан тартибга солинади.

13.2. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

13.3. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.4. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.